




O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2013-yil, 30-aprel. Seshanba 52 (31.642) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Ангрен — Поп йўналишида узунлиги 125 километр бўлган электрлаштирилган темир йўл қуриш лойиҳаси амалга оширилади. Бу билан Ўзбекистоннинг ҳудуд ва минтақаларини қамраб оладиган Миллий темир йўл тармоғи барпо этилади. Бу нафақат иқтисодий-ижтимоий, балки сиёсий аҳамиятга молик стратегик лойиҳадир.



Райат ахволдан огоҳ бўлдим, удуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Хар ернинг табиа-ти, хар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мизожидан воқиф бўлиб турдим.
Хар бир ўлка ва шаҳар аҳлининг ашроф-удуғлари билан дўст тутиндим. Мизожларига, табиятига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларни уларга ҳоким қилиб тайинладим.
Хар бир диёр аҳолисининг ахволдан огоҳ бўлиб турдим. Хар бир мамлакатнинг ахволини, сипоҳу райят кайфиятини, туриш-турмушини, қилиш-қилмишларини, булар ўртасидаги алоқаларни хатта битиб, менга билдириб туришлари учун динатли, тўғри ёзувчи кишиларни белгиладим.
Ҳокимлару сипоҳдан қай бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

Ободлик кўнгиладан бошланади



Ислон КАРИМОВ: *Менинг тилагим, устагим шуки, мана шундай обод шаҳар ва қишлоқлар, кўп-кўп соҳаларда эришайтган ютуқлар Андижон аҳлига буюрсин!*

БУГУНГИ КУНЛАРДАН РОЗИМАН

Куни кеча Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш ҳақидаги фармони телевидордан эшитдим. Ўтказган, кечирган кунларимиз бир-бир кўз олдимдан ўтди. Аввало, шу кунларга етказгани учун яратган шукр қилдим.

Шукроналик

Ёшим 90 га яқинлашди. 17 ёшимда урушга кетганман. Умр бўйи ҳалол меҳнат қилиб, бола боқдим. Фарзандларим, набираларим, эварларим бор. Ҳаммаси ўзига тинч. Кўчамиз, қишлоғимиз, туманимиз, вилоятимиз, бутун мамлакатимиз йилдан-йилга эмас, кундан-кунга обод бўлиб бормоқда.
Тўғриси айтсам, мана шу ишларни кўриш учун

ҳам яна яшагим келади. Биз инсонни қадр-қиммати йўқ бўлган, оғир кунларни бошимиздан ўтказдик. Бир бурда нонга зор қаҳатчилик, очарчилик йилларига гувоҳ бўлдим.
Бугунги ёшларга ҳавасим келади. Ўқийман деса мактаб, лицей, коллежлар эшиги очик. Болалигимизда биз бундай шароит, имкониятларни орзу ҳам қилмасдик.

Ҳозирғидай замон бўлган эмас. Мустиқликни, тинчликни, тўқинчиликни қадрига етиш керак.
Бизга кўрсатилган эътибор туфайли набираларим, маҳалла-қўй, қавму-қариндошлар табриқлади. Мактабга учрашувга қақаришди. Маҳалламиздаги қишлоқ врачлик пункти шифокорлари тез-тез хабар олиб туришди.
Фамхўрлик ва эътибор кишини ёшартиради. Бугунги кунлардан, Президентимиздан, ҳаётимдан мингдан-минг розиман.

Карим АБДУЛЛАЕВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.
Каттақўрғон тумани.

Муносабат

Инсон ҳаётида шундай унутилмас дақиқалар бўладики, киши бутун умр давомида ундан ўзига бир мадад, куч олиб яшайди.
Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз «**Кимки бугунги кунда Ўзбекистонда амалга ошириладиган улкан ўзгаришларни кўрмоқчи, улардан тўла хабардор бўлмоқчи бўлса, биринчи галда Андижонга келсин, ўзини андижонлик деб атайдиган одамларнинг меҳнати, ҳаёти, бугунги ютуқлари билан яқиндан танишсин**», деб вилоятда амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга юксак баҳо берди. Бу бутун Андижон халқининг қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдирди.

ЎЗБЕК МЎЪЖИЗАСИ

Андижон вилояти тимсолида яна бир бор намоён бўлмоқда

Шунингдек, бу эътироф зиммамизга улкан масъулият юклаганини ҳам юракдан хис этиб турибмиз. Чунки вилоятда кейинги етти йилда олиб борилган ислохотлар суръати, ривожланиш тенденцияси бундан кейин ҳам асло сустайтирилмаслиги керак.
Бунинг учун биз белни янада маҳкам боғлаб, янада янги-янги марраларни кўзлаб, ғайрат ва шижоат билан, астойдил меҳнат қилишимиз зарур. Энг муҳими, бугун одамларимиз ана шундай кайфият би-

лан яшамоқда.
Сессияда Президентимиз нафақат Андижон вилояти, балки, бутун Фарғона водийсининг яқин ва узоқ истиқболдаги тараққиёти, халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш билан боғлиқ муҳим масалаларни ўртага ташлади. Буларнинг бири лойиҳа қиймати 1 миллиард доллар, қуввати 900 мегавольт бўлган Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини барпо этиш кўзда тутиладиганидир.
Албатта, бу улкан ин-

шоотнинг ишга туширилиши билан нафақат Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларининг электр энергияга бўлган эҳтиёжи тўлиқ таъминланади, балки саноат корхоналари, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо тармоқлари, ижтимоий соҳа, аҳоли турар-жой массивларида инфратузилма янада ривожланади. Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг турмуш даражаси янада юксалади.
(Давоми 2-бетда.)

ЎЗХДП: устувор вазибалар

ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ

ислохотлар самарасини оширишга хизмат қилади

Депутат аҳоли томонидан давлат ҳокимиятининг олий, маҳаллий вакиллик органларига сайланган шахсдир. Хар бир депутат ўзини депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия, сайловчилар билан доимий равишда алоқа боғлаб туради, ваколатлари доирасида вакиллик ҳокимиятида уларнинг манфаатларини ифода этади.
⇒ 2

ЎЗХДП маҳаллий кенгашларида

Сиёсий партия аҳолининг маълум бир қатлами манфаатини таминлаш учун курашса, электорат ҳаётий эҳтиёжларини ифодаловчи дастурларнинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини олиб борса жамиятда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлади.

Айниқса, жисмоний имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини ошириш масаласи диққат марказимизда бўлди.
⇒ 2

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг
<http://www.uzbekistonovozi.uz>
КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР
www.uzbekistonovozi.uz

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ
2013 ЙИЛ 30 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Евро	2692,13	1 Дания кронаси	361,38	1 Хитой юани	334,91	1 Туркия лираси	1150,46
1 АҚШ доллари	2064,61	1 БАА дирҳами	562,10	1 Украина гривнаси	258,30	1 Швейцария франки	2192,43
1 Россия рубли	66,13	1 Миср фунти	298,09	1 Малайзия ринггити	681,61	10 Жанубий	
1 Австралия доллари	2129,85	1 Исландия кронаси	17,61	1 Польша злотийси	650,13	Корея вони	18,65
1 Англия фунт стерлинги	3204,48	1 Канада доллари	2034,10	1 СДР	3105,69	10 Япония иенаси	211,65

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

